# Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленуми қарорларини амалга оширамиз!

**Бошланғич партия ташкилотлари район партия комитетининг асосий таянчи. Райком улар орқали партиянинг шу кунги сиёсатини коммунистларга, меҳнаткашлар оммасига етказади, уларнинг яратувчилик фаолиятига раҳбарлик қилади. Айни пайтда районда бошланғич партия ташкилотлари сони 91 тага етказилди. Улар 2851 коммунист ва партия аъзолигига кандидатни ўзига бирлаштирган. Партия ташкилоти секретарлигига сайланган коммунистлардан 70 киши олий ва 21 киши ўрта махсус маълумотга эгадир. Шу жумладан, 35 бошланғич ташкилотга хотин-қизлар раҳбарлик қилмоқда.**

## ШАХСИЙ НАМУНА

Бошланғич партия ташкилотларида одамлар билан ишлашни яхшилаш, экономикани ривожлантиришга актив таъсир кўрсатишнинг реал имкониятлари мавжуд. Коммунистларнинг меҳнатда шахсий намуна кўрсатиши, маъмурият фаолиятини контрол қилиш ҳуқуқининг амалга оширилиши, кадрларни тўғри танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш ҳақида ғамхўрлик қилиш алоҳида ўрин тутади. Бунга, айниқса, съездолди жанговарлик кўригида кенг эътибор берилмоқда.

Район партия комитети бошланғич партия ташкилотларига раҳбарлик ишига махсус маълумотли, амалий тажрибага эга бўлган коммунистларни тавсия этяпти. Шу мақсадда ўтган ҳисобот-сайлов кампанияси даврида 22 та партия ташкилотининг секретари ўзгартирилди. Райком аппаратида ишлаб тажриба орттирган Ю. Ражабов, Қ. Қозоқов, О. Наврўзов каби коммунистлар Калинин номли, Тельман номли, «Коммунизм» колхозлари партия ташкилотларига ишга юборилди. Шундан кейин мазкур хўжаликларда партиявий иш анча жонлантирилди, коммунистларнинг активлиги ошди.

Райком аппаратида ишловчи ходимлар фаолиятида бошланғич ташкилотлар билан иш олиб бориш етакчи ўринни эгаллайди. Уларнинг ҳар бири ихтисоси, тажрибасига қараб 8-9 бошланғич ташкилотда иш олиб боради. Ҳар куни белгиланган муддатда бирор ташкилотда бўлиб, партиявий ишнинг аҳволини ўрганадилар, коммунистлар билан шахсий мулоқотда бўладилар. Сайланган актив ҳам бу муҳим ишга кенг жалб қилинаётир.

Группа ва цех партия ташкилотлари ҳисобот-сайлов йиғилишларида албатта район партия комитетининг бюро аъзолари, аппарат ходимлари иштирок этадилар. КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленумида таъкидланганидек, партия ташкилотлари олдига инсоний факторни активлаштириш, ҳар бир киши ўз иш ўрнида виждонан, бутун куч-ғайратини ишга солиб меҳнат қилишига эришиш вазифаси қўйилди. Бунда партия группаси ва цех партия ташкилотларининг роли беқиёсдир.

Партия группаси ва цех партия ташкилотларидаги ҳисобот-сайлов йиғилишларида коммунистлар партия ички ва ташқи сиёсатини қизғин қўллаб-қувватлаб, ишда тартиб ва уюшқоқликни таъминлаш, меҳнат унумдорлигини техника тараққиёти ютуқлари асосида кескин ошириш, қатъий тежамкорликка риоя этиш юзасидан конкрет фикр-мулоҳазаларини ўртага ташламоқдалар. Танқид ва ўз-ўзини танқид, ўзаро талабчанлик, сўз ва иш бирлиги бу йиғилишларнинг асосий мазмунини ташкил қиляпти.

Область колхозлар қурилиши трестининг районимиздаги 72-ихтисослаштирилган механизациялашган кўчма колоннаси партия группаларида ўтказилган ҳисобот-сайлов йиғилишларини мисол қилиб келтириш мумкин. Коммунистлардан мастер Г. Жабборов, бинокор Б. Халилов, бош инженер Т. Эргашев ўртоқлар йиғилишда коллективда мавжуд бўлган камчиликларни муросасизлик билан очиб ташладилар. Бинокорлик материаллари таъминотидаги узилишлар, меҳнат шароитларини яхшилаш бўйича юқори хўжалик органларидан конкрет жавоб талаб қилинди, янги техника, кичик механизация воситалари йиллаб бекор турганлигига айбдор шахслар номи очиқ-равшан кўрсатилди. Район партия комитети кадрлар резервини мана шундай камчиликларга муросасиз, ишбилармон коммунистлар билан тўлдирилишига ҳаракат қилаётир.

Ҳисобот-сайлов йиғилишларида қатнашаётган райком аъзолари, аппарат ходимлари ҳар бир танқидий фикр-мулоҳазанинг конкрет ҳисобини олиб бормоқдалар. Келгусида бу мулоҳазалар амалга оширилиши устидан қатъий назорат ўрнатилади. Умуман, қуйи звенодаги ҳисобот-сайлов йиғилишлари районда муваффақиятли давом этаётган бошланғич партия ташкилотлари съездолди жанговарлик кўригининг учинчи босқичига тўғри келмоқда. Бу кўрик ўз ичига беш босқични оляпти. Дастлаб бошланғич ташкилотларимизда обрўли коммунистлардан иборат комиссия тузилди. Комиссиялар группалар ва цех партия ташкилотларининг фаолиятини обдон ўргандилар, коммунистлар билан партия ташкилотлари фаолиятини активлаштириш йўллари тўғрисида якка тартибда суҳбатлар ўтказдилар. Ҳисобот-сайлов йиғилишларида билдирилган фикр ва мулоҳазалар эса бу суҳбатларнинг ўзига хос давомига айланди. Энди шу асосда партия ташкилотлари жанговарлигини ошириш тадбирларини ишлаб чиқишга киришилди. Бошланғич партия ташкилотларида бўлиб ўтган ҳисобот ва сайлов йиғилишларида коммунистлар бу тадбирларни маъқуллашди.

Бошланғич ташкилотларнинг съездолди жанговарлик кўриги коммунистлар активлигини оширишга туртки бўлди. Партия аъзолари ишлаб чиқаришда эришган натижаларни чуқурроқ таҳлил этадиган, кўрсаткичларни янада ошириш резервларини излайдиган бўлдилар. Калинин номли колхоз сут-товар фермасининг сут соғувчиси Олима Розиқова республикамизда кенг ёйилган «КПСС XXVII съездига — 27 зарбдор ўн кунлик» ўтказиш ҳаракатига қўшилди. Илғор сут соғувчи бу йил ўз қарамоғидаги соғин сигирларнинг ҳар биридан 3500 килограммдан сут соғиб олиш мажбуриятини қабул қилди. Унинг ташаббуси область партия комитети томонидан маъқулланди. Ҳозир район хўжаликларида ўнлаб хотин-қизларимиз Олима Розиқова изидан бормоқдалар. Яқинда район партия комитетининг бюроси бир группа ишлаб чиқариш илғорларининг КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олиш юзасидан райондаги барча меҳнаткашларга мурожаатини маъқуллади. Шу асосда ҳамма жойда социалистик мусобақа авж олдирилмоқда.

Шу кунларда пахтакорларимиз ўртасида якунловчи йилда мўл ҳосил етиштириб, давлатга топшириш бўйича мусобақа қизғин тус олган. Кейинги икки йилда район хўжаликларидаги барча пахтачилик бригадалари йириклаштирилиб, уларда партия группалари, агроучасткаларда эса цех партия ташкилотлари тузилди. Бу бригадаларга, партия группаси ва цех партия ташкилотларига раҳбарлик қилишга ишнинг кўзини биладиган коммунистлар қўйилди. 180 пахтачилик бригадасининг барчасида иш ягона наряд асосида ташкил қилинди.

Ҳозирги ҳисобот ва сайлов йиғилишларида пахтакорлар бригада пудрати натижасида эришилган муваффақиятларни таҳлил этмоқдалар. Меҳнат ва моддий неъматлар тақсимотидаги ошкоралик пахтачиликда бундан илгари содир бўлган ҳар қандай суиистеъмолларга ишончли тўсиқ бўлди. Бир йилнинг ичида бригада пудрати асосида иш тутгани туфайли ҳар бир колхозчининг ўртача ойлик маоши 16 сўм кўпайди. Пахтачиликда сарф-харажатларнинг ҳисоб-китоби аниқ ташкил қилиниши, экинга ишлов бериш сифати учун пудратчилар масъулияти ошганлигидан район хўжаликлари 628 минг сўмлик маблағни иқтисод қилдилар.

Коммунистлар, раҳбар ходимларнинг топширилган ишга масъулиятини янада ошириш учун уларнинг ҳисоботлари партия йиғилишларида, район партия комитети бюроларида тингланмоқда. Шу йилнинг биринчи ярмида 63 коммунист, 23 раҳбар ходимнинг хисоботи тингланди. Партия ташкилотларида ишда хатоликларга йўл қўйиб жазо олган ёки топширилган иш участкасини уддалай олмаётган коммунистларнинг ҳисоботи, айниқса, қаттиқ талабчанлик руҳида ўтмоқда.

Бошланғич ташкилотлар жанговарлик қобилиятининг оширилиши халқ хўжалигида ишлаб чиқариш кўрсаткичларининг юксалишига ижобий таъсир қиляпти. Шу йилнинг етти ойида районда дон топшириш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 369 тонна, сабзавот 310 тонна, мева 228 тонна, сут 199 тонна кўпайди. Саноат ишлаб чиқариши, қурилиш ва транспортда муайян муваффақиятлар қўлга киритилди.

Қишлоқ коммунистларининг бутун куч-ғайрати пахтадан етиштирилаётган мўл хосилни тез ва сифатли йиғиб-териб олишга пухта тайёргарлик кўриш, чорвачиликда мустаҳкам озуқа базаси яратиш билан КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартияси XXI съездини муносиб кутиб олишга сафарбар қилинмоқда. Ўтаётган ҳисобот-сайлов йиғилишлари натижасида жанговарлик қобилиятлари янада ошган бошланғич партия ташкилотлари бу курашни йўналтириб турувчи куч бўлмоқда.

**И. НАИМОВ,**
**Вобкент район партия комитетининг биринчи секретари.**



Нишон районидаги К. Маркс номли совхоз сут-товар фермаси коллективи давлатга сут топшириш планларини доимо ошириб адо этиб келяпти. Бу муваффақиятга илғор сут соғувчилар муносиб ҳисса қўшишаётир. Суратда: пешқадам сут соғувчилардан бири О. Жўраева. У бу йил ўз боқимидаги ҳар бир сигирдан 3200 килограммдан серқаймоқ сут соғиб олишни кўзламоқда.

А. Тўраев фотоси.

● САЙЛАБ ҚЎЙИЛГАН АКТИВЛАР — ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ АСОСИЙ ТАЯНЧИ

● ОНАЛАР ВА БОЛАЛАРГА МЕДИЦИНА ХИЗМАТИ КЎРСАТИШНИ ЯХШИЛАШ — ШАРАФЛИ БУРЧ

● ХАТЛАР — МЕҲНАТКАШЛАР АКТИВЛИГИНИНГ МЕЗОНИ

## КУТУБХОНАДА КЎРГАЗМА

**Алишер Навоий номли Ўзбекистон ССР давлат кутубхонасининг кўргазмалар залида стахановчилик ҳаракатининг 50 йиллигига бағишланган китоблар экспозицияси очилди.**

**Китоб жавонларида В. И. Лениннинг социалистик мусобақага бағишланган асарлари, машҳур шахтёр Алексей Стаханов асос солган меҳнат жасорати тарихини ҳикоя қилувчи адабиётлар қўйилган. Унинг «Шахтёрлик ҳаёти», «Ҳаётим қиссаси» китоблари ҳам экспозициядан ўрин олган.**

(УзТАГ).

## ХАТЛАРДА ИНСОН ТАҚДИРИ

Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига қизғин тайёргарлик кўрилаётган кунларда Ленинск шаҳар партия комитети тошкентлик Ерзин деган кишидан хат олди. Хатда айтилишича, унинг акаси Аҳмед Сафиулович Ерзин Ленинск шаҳридан урушга кетиб фронтда ҳалок бўлган. Лекин унинг номи Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлганлар хотирасига бағишлаб ўрнатилган ёдгорлик лавҳасидан тушиб қолган. «Сизлардан илтимос, — дейилади хат охирида, — акамнинг хотираси сақлаб қолинишига ёрдам беринглар».

Бу оддий хатлардан эмас эди. Шунинг учун партия комитети уни ўз назоратига олди. Хатда баён этилган фикрлар юзасидан амалий тадбирлар кўриш учун комиссия тузилди. Чиндан ҳам капитан Аҳмед Сафиулович Ерзин ҳарбий хизматга Асакадан кетган ва Кенигсбергда гитлерчиларга қарши қаҳрамонларча жанг қилиб ҳалок бўлган экан. Шаҳар партия комитетининг топшириғига мувофиқ А. С. Ерзиннинг номи ёдгорлик тошига ёзиб қўйилди.

Шаҳар партия комитети Ерзиннинг хати муносабати билан Улуғ Ватан уруши қатнашчилари, инвалидлари ва урушда ҳалок бўлганларнинг оилаларини қайта рўйхатга олдирди. Уларга ғамхўрликни кучайтириш тадбирларини белгилади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленуми партия комитетлари олдига меҳнаткашларнинг хатлари, ариза ва шикоятлари билан ишлашни янада яхшилаш юзасидан конкрет вазифалар қўйди. Ленинск шаҳар партия комитети пленум талабларидан келиб чиққан ҳолда бу соҳадаги ишларни бирмунча яхшилади. Шаҳар аҳолисининг у ёки бу соҳадаги талаби қондирилаётганини сабабли шикоятлар сони камайиб бораётир. Ўтган йили шаҳар партия комитетига меҳнаткашлардан 89 та хат тушган эди. Бу 1983 йилдагига нисбатан 49 та кам. Шу йилнинг ўтган ойларида эса ўтган йилнинг шу давридагига қараганда 8 та кам хат олинди. Уларда турли ҳаётий масалалар, шаҳар хўжалигининг айрим участкаларидаги камчиликлар ҳақида фикр юритилади. Маълумки, ҳар бир хат ортида инсон, унинг ҳаётий эҳтиёжлари туради. Бу хатлар худди барометрни эслатади.

Кейинги тўрт ярим йилда шаҳар партия комитети меҳнаткашларнинг 20 дан ортиқ хатида кўтарилган масалаларни бюро мажлисларида ва бир марта пленумда кўриб чиқди. Меҳнаткашлар билан жонли мулоқот янада яхшиланди. Йирик корхоналар, муассасалар, маҳалла комитетлари билан ҳамкорликда «Очиқ хатлар куни»ни ўтказиш графиги тузилди. Бундай йиғилишлар икки ойда бир марта бўлиб ўтмоқда.

Биринчи очиқ суҳбат мотор-ремонт заводида ўтди. Олдиндан йиғиб олинган ёзма аризалар шаҳар партия комитетида атрофлича кўриб чиқилиб, ёзма жавоб бериш учун тегишли ташкилотларга тарқатилди. Меҳнаткашлардан тушган 36 та аризанинг аксарият қисми сув, газ, ободончилик ҳақида эди: — шаҳарда оқар сув йўқ, қишда газ етишмайди. Бу икки масала шаҳардаги энг мураккаб масала бўлиб қолмоқда.

Ариқларни қайта тиклаш, нов ариқлар, насослар ўрнатиш учун 236 минг сўмлик маблағ керак. 1972 йилда шаҳарга оқин сув келтириш лойиҳаси тузилган эди. Лекин бу режа қоғозда қолиб кетганди. Очиқ суҳбат қатнашчилари ана шу лойиҳани «жонлантириш» зарурлигини айтдилар. Шаҳар партия комитети бу долзарб масалани ўз назорати остига олди ва уни амалга оширишни коммунистлар олдига бош вазифа қилиб қўйди.

Бундай очиқ суҳбатлар шаҳардаги Карл Маркс номли, Киров номли маҳаллаларда ҳам жонли, мароқли ўтди. Шаҳар партия комитети бюро аъзоларининг меҳнаткашлар ҳузурига бориб ошкора суҳбатлашиши ариза ва шикоятларнинг камайишига олиб келмоқда.

Лекин баъзи хатларни ҳал этишда юзакичилик, расмиятчилик ҳоллари учрайди. Айрим партия, совет ташкилотлари, корхоналар, идораларнинг раҳбарлари бу ишнинг катта ижтимоий-сиёсий аҳамиятини тушуниб етмасдан, унга эътиборсизлик ва бепарволик билан қараётганликлари ҳақида фактлар бор.

Крупская кўчаси 148-уйда яшовчи пенсионер, 85 ёшли Шамсиддин ота Нишоновнинг уйи кўча кенгайтирилиши муносабати билан бузиладиган бўлиб қолди. Отага уй ва ер участкаси берилиши керак эди. Бу иш шаҳар архитектори Абдухалил Абламетовга топширилганди. Шамсиддин ота бир неча марта шаҳар архитекторига учради. Лекин у отанинг ишини ўз вақтида ҳал қилиб бермади. Шундан кейин Шамсиддин ота шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Т. Ҳожиқосимовага рўпара бўлди. Биринчи секретарь отанинг ишини яна Абламетовга топширди. Абламетов топшириқни бажармади. Оқибатда Шамсиддин ота Нишонов иккинчи марта биринчи секретарга мурожаат қилди. Архитектор А. Абламетов пенсионер Қосимжон Қодировга нисбатан ҳам шундай салбий муносабатда бўлди.

Гражданларнинг ўринли илтимосларига расмиятчилик билан қараш кечирилмас ҳолдир. Шаҳар ижроия комитети уй-жой бошқармаси, шаҳар водоканали, газлаштириш идорасининг иши ҳам меҳнаткашларни қаноатлантирмайди. Шунинг учун ҳам улар кўпроқ шаҳар партия комитети ва юқори органларга мурожаат этишга мажбур бўлмоқдалар.

Хат-хабар — дил ойнаси. Унда меҳнаткашларнинг орзу-истаклари, таклиф ва эҳтиёжлари ўз ифодасини топади. Ариза ва шикоятларга алоҳида диққат-эътибор билан қараш ленинча иш услубининг таркибий қисмидир. Бу ҳар бир партия ташкилоти, ҳар бир коммунист олдида турган муҳим вазифа эканлиги Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорларида алоҳида уқтирилди. Пленум қарорларини изчил амалга ошириш эса доимий ва муҳим вазифа бўлиб қолмоғи лозим.

**А. ҚУРОНБОЕВ,**
**«Совет Ўзбекистони» мухбири.**

**Инсон соғлиғини сақлаш муҳим социал вазифа. Шунинг учун ҳам жойларда замонавий касалхоналар, поликлиникалар, профилакторий, пансионат ва санаторийлар қурилиб, ишга туширилмоқда. Медицина муассасаларининг тармоғи муттасил кенгайиб, уларнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланмоқда. Даволаш-профилактика ва санитария-эпидемиология ишларида янги методлар, турли дори-дармонлар ва медицина асбоб-ускуналари жорий этилмоқда. Профилактика тадбирларининг кўлами эса кенгайиб бераётир.**

## ЭЛ СОҒЛИҒИ — ЮРТ БОЙЛИГИ

### ЭЪТИБОР КУЧАЙМОҚДА

Республика халқ контроли комитетининг махсус комиссиялари 1984 йилнинг июль ойида Қашқадарё, Тошкент, Фарғона областлари ва Тошкент шаҳрида оналар ва болаларга медицина хизмати кўрсатишнинг аҳволини текшириб, бу соҳада бир қатор камчиликлар борлигини аниқлаган эдилар. Текшириш материаллари кенг муҳокама қилинди. Айбдор шахслар тегишлича жазоланди. Республика Соғлиқни сақлаш министрлиги бу масалани атрофлича муҳокама этиб, тегишли тадбирларни белгилади ва амалга оширди.

Шу масала бўйича халқ контроли комитети қайта текшириш ўтказди. Маълум бўлишича, соғлиқни сақлаш органлари, шунингдек, тегишли министрлик ва идоралар оналар ва болаларнинг соғлиғини сақлаш соҳасида кўпгина чора-тадбирларни амалга оширмоқдалар. Сўнгги йилларда бир қатор даволаш муассасаларининг янги бинолари фойдаланишга топширилди. Фарғонада 250, Гулистонда 170, Тошкентда 210 ўринли болалар шифохоналари қурилиб, ишга туширилди. Ўрта Осиё медицина педиатрия институтига қарашли 300 ўринли клиник касалхона биносини қуриш ниҳоясига етказилди. Бир неча шаҳар ва район марказларида болаларни даволаш муассасалари қўшимча биноларга эга бўлди. Пойтахтимизнинг Акмал Икромов районида янги замонавий туғруқхона фойдаланишга топширилди.

Болалар учун озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрлаш, сут ошхоналарининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уларни марказлаштиришга ҳам эътибор берилмоқда. Уларнинг иш қувватлари оширилди. Сут аралашма маҳсулотларининг тури 12 хилга етказилди. Денов, Янгиер шаҳарларида ва Гурлан районида ҳар бири 5 минг порциядан маҳсулот тайёрловчи 3 та механизациялашган сут ошхоналари ишга туширилди. Пойтахтимизнинг Собир Раҳимов районида 25 минг порция маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган сут ошхонасини қуриш тугалланди.

### ИШЛАР ҲАМОН ЎЛДА-ЖЎЛДА

Болалар ва оналарга хизмат кўрсатувчи медицина муассасаларининг анчагина қисми замон талабига мос келувчи биноларга эга эмас, янги бинолар эса ҳаддан ташқари сусткашлик билан қурилмоқда. Қурилиш билан шуғулланувчи баъзи пудратчи министрликлар ва айрим область Совети ижроия комитетларининг буюртмачи капитал қурилиш бошқармалари бу масалага етарли эътибор бермаяптилар. Масалан, республика Қурилиш министрлигининг трестлари шу соҳа бўйича 1985 йилнинг биринчи ярми учун белгиланган планни атиги 57 процентгина бажардилар. Шу министрликнинг ташкилотлари эса қурилиш планларини Жиззахдаги болалар поликлиникаси бўйича 41 процентга, Намангандаги 2-туғруқхона бўйича 82 процентга, Когон шаҳридаги туғруқхона бўйича 40 процентгагина бажардилар. Мазкур министрлик томонидан Сурхондарё областининг Ангор посёлкасида қурилаётган туғруқхона бўйича ҳам ярим йиллик план фақат 47 процент бажарилган.

Баъзи объектларда қурилишнинг сифати паст. Ўтган йили назоратчилар томонидан Ўрта Осиё медицина педиатрия институтига қарашли болалар клиникасининг қурилиш сифати текшириб кўрилганда «Главташкентстрой»нинг 4-тресги бажарган баъзи ишлар сифатсизлиги аниқланди. Уларни тузатиш учун бир неча ой керак бўлди. Натижада қурилишни битказиш муддати чўзилиб кетди.

Тошкент, Фарғона, Қашқадарё областлари, республикамиз пойтахтидаги болалар ва оналарга хизмат кўрсатувчи баъзи медицина муассасаларида айрим ходимлар иш савиясининг пастлиги ҳамда масъулиятсизлиги каби фактлар аниқланди. Педиатр ва акушер-гинекологлар етишмайди. Бу, айниқса, врач-неонатологларга тегишлидир. Айрим ҳолларда диспансер группасига кирувчи болалар врачлар томонидан тегишлича кузатиб борилмаяпти, рахит, гипотрофия, анемияга чалинганлар ўз вақтида аниқланмаяпти. Фарғона, Охунбобоев районларидаги кўпгина педиатр-врачларнинг болаларни даволаш ва овқатлантириш бўйича билимлари етарли эмас.

Қашқадарё областининг айрим болалар поликлиникаларида 2-3 врач бир хонада беморларни қабул қилаётир. Нишон, Баҳористон, Усмон Юсупов, Муборак районларида бемор болалар ва оналарни ўз вақтида ҳамда самарали даволаш яхши йўлга қўйилмаган. Айниқса, бир ёшгача бўлган болаларни ва аёлларни ҳомиладорликнинг дастлабки даврида мунтазам кузатиш, медицина ёрдами бериш қониқарсиз ташкил этилган.

Дори-дармонлар билан таъминлаш ва улардан фойдаланиш ҳам баъзи муассасаларда яхши йўлга қўйилмаган. Қашқадарё областидаги кўпчилик туғруқхоналар тузли эритмалар, лидаза, қонни алмаштириш учун зарур бўлган оқсилли моддалар, гормонли ва бошқа дори-дармонлар билан ёмон таъминланган.

Тошкент областининг Янгийўл, Бўстонлиқ, Пискент, Калинин ва Чиноз районларидаги баъзи текширилган медицина муассасаларида ҳам болаларни даволашнинг аҳволи яхши эмас. Янгийўл районидаги «Халқобод» посёлкасида болалар консультацияси битта кабинетда жойлашган, холос. Бу бинонинг бошқа барча хоналари район ижроия комитетининг бўлинмалари томонидан банд қилинган. Врачлар белгилаган даволарни айрим ўрта медицина ходимлари 3-4 кунлаб бажармаслиги ҳоллари юз бермоқда. Бундай ҳол Чиноз районидаги «Партия XXIV съезди» ва Калинин районидаги «Иттифоқ» қишлоқ участка касалхоналарида рўй берган.

Бир қатор текшириб кўрилган даволаш муассасалари медицина асбоб-ускуналари, юмшоқ ва қаттиқ жиҳозлар билан қониқарсиз таъминланган. Аёллар консультацияларининг баъзиларида медицина тарозилари, термометрлар етишмайди. Орджоникидзе ва Бўстонлиқ районларидаги туғруқхоналарни юмшоқ жиҳозлар билан таъминлашда ҳам шундай аҳвол рўй беряпти. Фарғона районидаги марказий район касалхонасининг болалар бўлимида кўрпа, чойшаб ва ёстиқ жилдлари йиртиқ, талабга жавоб бермайди. Катта ва кичик тарелкалар, оддий қошиқ ва стаканлар етишмайди.

Беморлар учун овқатни ташкил этишда ҳам жиддий нуқсонлар мавжуд. Овқат кўпинча бир хил, сифати паст бўлади, сабзавот ва мевалар кам берилмоқда. Овқат калориясини пасайтириб юбориш фактлари ҳам учраб турибди. Бундай ҳол Тошкент шаҳридаги 4-болалар юқумли касалликлар шифохонаси, 6-болалар касалхонаси, 5-, 8-, 9- ва 11- туғруқхоналарда ўтказилган текширишда аниқланди.

Болалар касалхоналарининг кўпчилигида бир ёшгача бўлган чақалоқлар учун алоҳида овқат тайёрланмаяпти. Улар учун оналар ўзлари овқат тайёрлашга мажбур бўлмоқдалар. Текшириш пайтида болалар сут ошхоналарининг талайгина қисми ишламаётганлиги, Қашқадарё областининг ўзидагина 22 та болалар сут ошхонаси ёпиқлиги аниқланди.

Болалар ва оналарга зудлик билан медицина ёрдами бермаслик, врачлар томонидан беморга нисбатан лоқайдлик, совуққонлик билан муносабатда бўлиш ҳоллари учраб турибди. Жиззах областидаги Ульянов шаҳар касалхонасининг болалар бўлимида, Тошкент шаҳридаги кўппрофилли болалар шифохонасида, Чиноз районидаги «Партия XXIV съезди» қишлоқ амбулаториясида ва Китоб районидаги болалар поликлиникасида шундай ҳоллар содир бўлган.

Бундай нуқсонлар соғлиқни сақлаш органлари, медицина муассасаларининг раҳбарлари болалар ва оналар соғлиғини сақлаш масаласига жиддий эътибор бермаётганлиги сабабли содир бўлаётир. Интизомсизлик ва масъулиятсизликка йўл қўяётган медицина ходимлари қатъий тартибга чақирилмаяпти. Жойлардаги халқ контроли комитетлари, группа ва постлар ҳам бу масала устидан муттасил контроллик қилишлари ва айбдор шахсларга нисбатан тегишли чора кўришлари зарур.

**Т. ХОНХЎЖАЕВ,**
**Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитетининг бўлим мудири.**

ТАШВИШЛИ СИГНАЛ

## «ҚЎНОҚЛАР»

**Янги ўқув йили бошланишига саноқли кунлар қолди. Кармана шаҳридаги 1-қишлоқ ҳунар-техника билим юртида эса ўқувчилар қабул қилиш плани атиги саксон процент бажарилган. Бу, мазкур ўқув юртининг обрўси тушиб кетганидан нишона бўлса, ажаб эмас.**

**Қишлоқ учун механизаторлар тайёрлаши лозим бўлган ҳунар-техника билим юрти ўз атрофидаги хўжаликларнинг эҳтиёжларини дуруст эътиборга олмаяпти. Шу сабабли билим юртининг талабалари касб эгаллаганлиги тўғрисидаги гувоҳномани олгач, колхоз ва совхозларга зарур бўлган бошқа ихтисосларни ўрганишга мажбур бўлмоқдалар.**

**Кадрлар учун талабнома берадиган район агросаноат бирлашмаси улардан қандай фойдаланилаётганлиги билан чуқурроқ қизиқмаяпти. Район хўжаликларига сут соғувчилар, чорвадорлар, ғишт терувчилар, экскаваторчилар керак. Қишлоқ ҳунар-техника билим юрти эса шу ихтисослардаги кадрларни тайёрлашни йил сайин орқага сурмоқда. Бу ерда механизаторларга эскича таълим берилмоқда. Уларга янги техника китоб ва журнал материаллари асосидагина ўргатилмоқда. Шу сабабли хўжаликларда билим юртини битириб келган ёшларнинг малакаси пастлиги тез-тез таъкидланмоқда.**

**1-қишлоқ ҳунар-техника билим юрти Навоий областида типовой комплексда жойлашган қишлоқ билим юртларидан биридир. Кенг ишлаб чиқариш устахоналари, ётоқхона, клуб, спорт зали, кутубхона, ошхона талабаларга аталган. Аммо ўқувчилар бу ерда тўла ҳуқуқли хўжайин эмас. Ётоқхонадаги 400 та ўриндан атиги 280 таси билим юртининг ихтиёрида. Қолган хоналарда Навоий район ижроия комитетининг қарорига мувофиқ кўчиб кирган бегона кишилар истиқомат қилмоқдалар. Дарсхоналарда, бошқа биноларда область қишлоқ хўжалиги бошқармаси, автомобиль ҳаваскорлари жамияти, ветеринария шифохонаси — ҳаммаси бўлиб 14 та ташкилот жойлашган. «Қўноқлар» шу қадар кўпайиб кетганлиги сабабли педагоглар машғулотларни кўпинча ҳовлида, очиқ ҳавода ўтказишга мажбур бўлмоқдалар.**

**С. РУХМАЛЕВ,**
**ЎзТАГ мухбири.**

